

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ
БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА ЧЕТ
ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
АФЗАЛЛИКЛАРИ**

**мавзусидаги республика илмий-амалий
конференция
материаллар тўплами**

БУХОРО – 2018

ТИЛШУНОСЛИКДА РАНГЛАР ВОСИТАСИДА ЯСАЛГАН ИБОРАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК АҲАМИЯТИ.

Ҳожиёва Г.С. (БухДУ)

Тоирова Г. (БухДУ талабаси)

Тил — инсон камолотининг энг юксак намунаси, чўккисидир. Тил кишилар ўртасида, жамиятда ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси, сўзлаш, гапириш, фикр ифодалаш қобилияти бўлиш билан бирга, тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти сифатида фикр ифодалаш жараёни ва бу жараёнда юзага келувчи сўз, ибора, гап ва нутқ ҳамдир. [1.] Асрлар оша тил ва унга бўлган эҳтиёж ва муносабат ривожланиб, юксалиб борди.

Илм-маърифат асри бўлган XXI аср ҳар бир инсондан аввало ўз она тилини, шу билан бирга хорижий тилларни ҳам мукаммал эгаллаш, ўз фикрини раво билдира олиш, чет элларда малака ошириш ва эгаллаган билимларини эл-юрт тараккиётига сафарбар этишдек масъулиятли вазифани қўймоқда. Зеро, ҳар бир ўрганилган тил инсонга янги бир ҳаёт бағишлайди. Шу нуқтаи назардан, бугунги кун тилшунослиги бошқа даврлардан ўзининг муаммоларга янгича ёндашуви ва янгича ечими билан тубдан фарқ қилади. Худди ана шу хусусиятлар тилшуносликнинг муҳим бўлаги ҳисобланган фразеология соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади. Биз тадқиқ этаётган француз тилидаги фразеологизмлар, хусусан, ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ)ларни ўрганиш ҳам замонавий тилшуносликнинг доимий долзарб масалаларидандир. Қуйида мазкур ибораларга француз адиби Проспер Мерименинг О.Шарафилдинов таржимаси билан берилган “Карл IX салтанатининг йилномаси/Қўш хато/Маттео Фальконе” асарлари асосида мисоллар келтирилган.

1. Аслиятда: Lorsque madame de Chaverny quitta le château de madame Lambert, **la nuit était horriblement noire**, l’atmosphère lourde et étouffante... [2.]

Рус тилида: Когда г-жа де Шаверни покинула замок г-жи Ламбер, **ночь была ужасно тёмная**. [3.]

Ўзбек тилида: Де Шавернихоним Ламбер хонимнинг қасридан чиқиб йўлга тушганида **тун беҳад зулматли**, ҳаво оғир ва дим эди. [4.]

Ушбу мисол таржималари ранг орқали эмас, ҳолат орқали изоҳланган, яъни, “la nuit noire” (ужасно тёмная ночь) — “қоронғу тун” бирикмасидаги мазмунни кучайтириш мақсадида таржимон “зулматли тун” идиомасига мурожаат қилган. Бунда таржимон ўз навбатида одатийликдан қочиб, образли-экспрессив ҳолат яратган.

2. Аслиятда: Figurez-vous un homme petit mais robuste, avec des cheveux crépus, **noirs comme le jais**, un nez aquilin, les lèvres minces, les yeux grands et vifs, et un teint couleur de revers de botte. [5.]

Рус тилида: Представьте себе человека небольшого роста, но крепкого, с **вьющимися чёрными, как смоль, волосами**, орлиным носом, тонкими губами, большими живыми глазами и лицом цвета невыделанной кожи. [6.]

Ўзбек тилида: Уни ўрта бўйли, лекин бакуват, жингалаксочларикора мойдай тим кора, кирра бурун, лаблари юпка, кўзлари тийрак, юзи ошланмаган терининг рангидаги бир одам леб тасаввур қилаверинг. [7.]

Француз тилидаги “poirs comme le jais” ибораси ўхшатиш асосида ясалган ва бу хусусият рус тилидаги “чёрный как смоль” ҳамда ўзбек тилидаги “кора мойдай тим кора” идиомаларида такрорланиди (comme=как=-дай), шунга кўра уларни ўзаро вариантдош ФБлар дейиш мумкин. Ушбу иборанинг француз тилида яна бир мукобили мавжуд: “noire comme du jais” – “чёрный как смоль” – “катрондек коп-кора; сакичдек, зулукдек коп-кора”. [8.] Мазкур иборани қўллашда эса матн мавзуси, мақсад ва моҳиятидан келиб чиқилади. Ўзаро қиёслаб ўрганилаётган ФБлардан асар ва унинг таржималарида жуда ўринли фойдаланилган, сабаби иборалар белгини ифодалаш билан бирга, стилистик маънони қўлайтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Айниқса, таржимон О. Шарафиддинов ўғирманишунчаки “жингалак қора сочли” ёки “сочлари сакичдек коп-кора” [9.] деб эмас, айнан “жингалак сочлари қора мойдай тим кора” бирикмаси билан ифодалайди ва бу билан асар таржимасининг услубий бўёқдорлиги ортади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки:

1. Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллалари таркибида келтирилган ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар асарларнинг бадиийлик даражасини, ибораларнинг адабий тилдаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.
2. Проспер Мериме ўз асарларида барча ранглар, хусусан, қора ранг воситасида ҳосил бўлган ФБлардан эмоционал-экспрессивликни акс эттиришда жуда кенг фойдаланган.
3. Асарларда идиомаларнинг турлича маъно қасб этиб, ҳолат, вазият, ранг-тус, хусусият, ҳис-туйғуни ифодалашдаги ўрни бекиёсдир.
4. Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллаларида келтирилган ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар француз, рус, ўзбек халқининг бадиий тил воситаларига нечоғлик бой эканлигидан далолат беради ва фразеология соҳасидаги изланишларда ёш тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изохли луғати. 4-жилд. Т., 2008. – Б. 91-94.
2. Mérimée P. Nouvelles/La double méprise. Éditions du progrès, M., 1976. – P. 190-233.
3. Мериме П. Новеллы; Двойная ошибка. Перевод М. Кузмина. М., Правда, 1982. – С. 97-138.
4. Мериме П. Карл IX салтанатининг йилномаси/Қўш хато. О.Шарафиддинов тарж., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1986. – Б. 281-324.
5. Mérimée P. Nouvelles/Matteo Falcone. Éditions du progrès, M., 1976. – 31 p.

6. Мериме П. Новеллы; Маттео Фальконе. Перевод Е.Лопыревой, М., Правда, 1982. – 4 с.
7. Мериме П. Карл IX салтанатинингйилномаси/Маттео Фальконе. О.Шарафидиновтарж., Г.ГуломномидагиАдабиётвасанъатнашриёти, Т., 1986. – 216 б.
8. Французча-ўзбекча лугат. Тузувчилар Х. Ибрагимов ва б. Nihol, Т., 2008. – 387 б.
9. Русско-узбекский словарь. II том. Институт языка и литературы им. А.С. Пушкина, Т., 1984. – 433 с.

LES VALEURS SEMANTIQUES DES TEMPS VERBAUX EN FRANÇAIS

Ачилова Д. (БухДУ)

L'étude des temps morphologiques du français est chose relativement aisées les formes se classent comme d'elles-mêmes en tableaux simples et clairs.

Il n'en est pas de même, on la rappelé plus haut, des valeurs, dont la multiplicité croît avec la sagacité grammairiens : l'étude des emplois semble vouloir se perdre dans l'indéfini le plus inorganisé.

Ce contraste entre le système des formes et celui (très problématique en tant que système) des valeurs est loin de s'expliquer par le phénomène bien connu de la polyvalence des formes. Sommes-nous réellement en présence d'un secteur de la grammaire irréductible aux normes habituelles du langage? Ou faut-il voir là quelque désordre plus imputable aux grammairiens qu'à la réalité linguistique? L'un et l'autre sans doute.

Pour comprendre la multiplicité des valeursattachées aux temps morphologiques, il faut un instant faire table rase du toutes les idées reçues milieu naturel, c'est-à-dire (en fin) dans la phrase. La phrase et le cadre linguistique dans lequel nous exprimons une situation, ou plus exactement ce que notre esprit discerne et retient d'une situation, c'est-à-dire en fin de compte ce que nous nous représentons la situation comme un milieu ou existe ou arrive quelque chose, et nous disons que le verbe a pour fonction d'exprimer le côté existentiel ou événementiel de la situation, c'est ce côté existentiel ou événementiel d'une situation que la linguistique française a cutume d'appeler un procès (ou processus). Considérons à présent le verbe dans la dualité fondamentale de sa structure. D'une part il y a le radical (ou sémantème: par ex.: **chant-**, **aime-**, **vien(n)-**, etc.) porteur du sens, c'est-à-dire de ce par quoi on distingue tel procès possibles. D'autre part il y a la *variable morphologique* (ou morphème, par ex: les terminaisons comme **-ais**, **-(e)rais**, ou un auxiliaire comme *ai* ou *avait*, *suis* ou *était*, etc.) porteuse d'un ensemble de valeurs grammaticales qui ont pour fonction d'actualiser le sémantème et de permettre ainsi à l'interlocuteur ou au lecteur (c'est-à-dire au destinataire de l'information communiquée par la phrase) de reconnaître le procès non plus seulement en tant que partie intégrante de la situation qui est l'objet de l'information. Or les situations sont par définition extrêmement variables non seulement varient le rang ou le nombre des personnes

1-БЎЛИМ. ТИЛШУНОСЛИК ВА ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ	
Жўраева М.М., ф.ф.д. БухДУ. Тилшуносликда модаллик тушунчаси	3
Мамбетниязова А., Бабаева Г. ҚҚДУ. Немис тилида илова конструкциясининг семантик ўрганилиши	5
Акрамова Ф.И. СамДТИ. Тиббий терминалогияда семантик муносабатлар	7
Давронова З. УзГУМЯ. Заимствования во французском языке	10
Abdullayeva S. (O'zDJTU) Uy hayvonlari nomlarini anglatuvchi o'zbek ismlari semantikasi	14
Жўраева М.М., ф.ф.д. БухДУ. Theories sur les notions "modalite", "concept" et "cadre cognitif"	17
Bobokalonov R.R. dots. Atoeva G. Bux DU. La syntaxe progressive sur la base du systeme structurale	20
Мирзаева В. УзГУМЯ. Особенности семантики глаголов зрительного восприятия в романских языках	21
ЎзДЖТУ. Эргашева Ф. Немис тилида кўшма гапларнинг грамматик хусусиятлари	25
Хожиева Г. Тоирова Г. БухДУ. Тилшуносликда ранглар воситасида ясалган ибораларнинг лексик-семантик аҳамияти	27
Ачилова Д. БухДУ :Les valeurs sémantiques des temps verbaux en français	29
Bobokalonov P., BuxMTI, Khaitova S., BuxDU. La phrase canonique du français	31
Bobokalonov R., dots., Muqimova M. Fe'l valentligi munosabati xususida	33
Ахматова Л. ЎзДЖТУ. Француз тилида концепт тушунчасининг когнитив хусусиятлари	36
Адилова О. БухДУ доц. L'idée substantielle des recherches de la dichotomie d'une langue	39
Рузиев Я.Б. БухДУ. Немис тилида замон шакллариининг нисбий кўлланишига доир	41
Kurbonova M. TerDU. The "Concept" In Modern Linguistics	43
Адилова О. БухДУ доц. La particularité sémantique de l'indicatif présent en français	45
Habibullayeva R. BuxDU, Ruzieva A. BuxDU. Developing learners oral fluency in English	47
Ачилова Д. БухДУ. Grammaire générative et transformationnelle	49
Shakirov R. BuxDU. Fransuz tilidagi "temps" so'zining etimologiyasi	52
Islomov D.Sh.Ochilova G.H. BuxDU. Le français est une langue romane parlée principalement en France	53
Гудзина В.А. Классификации повторов в современной научной парадигме	56